



# ООО "ХВFINANSEKONSULTING"

## АУДИТОРСКАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ

**“Боёвут пахта тозалаш” акциядорлик жамиятининг 2019 йил якуни бўйича тузилган молиявий хисоботиغا Ижобий фикр билдирилган**

### АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

**“Боёвут пахта тозалаш”  
акциядорлик жамияти раҳбариятига**

Аудиторлик текшируви утказилаётган корхонанинг реқвизитлари:

|                                                                                                    |                                                                                                                                                                                                                                                                                        |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Корхона ва ташкилотининг<br>тўлиқ номи<br>Юридик манзили ва телефон<br>рақамлари<br>Банк реқвизити | “Боёвут пахта тозалаш” акциядорлик жамияти (кейинги<br>матнларда «жамият» деб юритилади)<br>Сирдарё вилояти Боёвут тумани, Боёвут ҚФЙ Марказ<br>маҳалласи.<br>Ҳисоб рақами 202100006002067222001, АТБ “ АГРОBANK”<br>Боёвут туман филиали, банк коди(МФО) 00382.<br>200302758<br>13101 |
| СТИР<br>ОКЭД                                                                                       |                                                                                                                                                                                                                                                                                        |

Аудиторлик ташкилоти реқвизитлари:

|                                                                                                                                                                            |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Аудиторлик ташкилотининг<br>тулик номи:<br>Юридик ва почта манзили:<br>Давлат руйхатидан<br>утказилганлиги тугрисида<br>маълумот:<br>Аудиторлик фаолияти учун<br>лицензия: | Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «ХВ<br>FINANSE KONSULTING» аудиторлик ташкилоти<br>Тошкент шаҳри, Госпитал даҳаси 11/2-А.<br>Юридик шахсни давлат руйхатидан утказиш тугрисида<br>ГУВОХНОМА № 1018 2005 йил 11 майда берилган<br>Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан<br>2019 йил 11 апрелда берилган АФ.00809-сонли "Ўзбекистон<br>республикаси ҳудудида аудиторлик фаолиятини амалга<br>оширишга рухсат берувчи" лицензия |
| Банк реқвизитлари:                                                                                                                                                         | Асосий жорий ҳисоб рақами: 20208000604408712001<br>«DavrBank» Чилонзор филиали<br>(МФО:01046)ИНН:205666530, ОКЭД: 69202.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                       |
| Аудиторлик ташкилоти<br>директори:                                                                                                                                         | Рузимов М.С, Аудитор малака сертификати №05540 2017<br>йил 22 декабрда берилган                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                |
| Аудиторлик текшируви<br>раҳбари:                                                                                                                                           | Рузимов М.С, Аудитор малака сертификати №05540 2017<br>йил 22 декабрда берилган                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                |

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги “XB FINANSE KONSULTING” аудиторлик ташкилотининг аудитори Рузимов М.С, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2017 йил 22 декабрда берилган №05540-сонли «Аудитор малака сертификати»га ҳамда аудиторлик ташкилоти билан “Боёвут пахта тозалаш” акциядорлик жамияти ўртасида тузилган шартномага асосан “Боёвут пахта тозалаш” акциядорлик жамиятининг 01.01.2019 йилдан 31.12.2019 йилгача бўлган даври учун тузилган “Корхона баланси” – форма № 1, “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” – форма № 2, шаклларида иборат молиявий ҳисоботларининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

### **Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги**

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

### **Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги**

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз “Боёвут пахта тозалаш” акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамаизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

### **Ижобий фикр**

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект “Боёвут пахта тозалаш” акциядорлик жамиятининг 2019 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

**«XB FINANSE KONSULTING» Аудиторлик  
Ташкилоти директори/аудитор:**



*Handwritten signature of M. S. Rizimov*

**Рузимов М.С**

*Хулоса тузилган сана:*

**«25» июн 2020 йил.**